

**“ШАРҒУН КЎМИР” АЖ акциядорларининг
2025 йил якуни бўйича умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ № 1**

2026 йил 30 июн Соат 16-00

**Шарғун шаҳри, “Шарофобод” МФЙ
Минор кўчаси 35-уй**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:

2 229 598 дона

Йиғилишда қатнашганлар:

Зоиров Садриддин Умарович - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари (2026-йил 30-июндаги 02/9.2-17.1/385-сонли ишончномага асосан).

Санок комиссияси раиси Х.Х.Каримов сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий овоз берувчи акциялар сони **2 229 598 дона** эканлигини, шундан умумий йиғилишда қатнашиш учун **2 219 612 дона** акцияларнинг эгалари рўйхатдан ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг **99,552117** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Мазкур йиғилишда амалдаги кузатув кенгаши аъзолари ва раиси иштирок этмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.У.Зоиров акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига раислик қилди.

Йиғилиш раиси С.У.Зоиров кворум мавжудлигини эътиборга олиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва умумий йиғилиш раёсатига 3 кишини яъни, С.У.Зоиров, М.А.Азизкулов, М.Р.Пардаевларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига Х.А.Ташкулов сайланди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. Жамият фаолиятининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.

5. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.

7. Жамият томонидан 2025 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатини тасдиқлаш.

8. Жамият Бош директорининг меҳнат шартномаси муддатини узайтириш (қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш)) тўғрисида.

9. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича Халқаро молиявий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини Халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.

10. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг 2026 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг 2025 йил учун фаолият самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилишини тасдиқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлашни тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги 1-масала бўйича, Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига Х.Х.Каримов, А.А.Ганиев, ва Р.У.Исмадияровларнинг номзодлари тавсия этилганлигини ва акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масалалар Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакилларида ушбу учта номзодлардан иборат санок комиссиясини сайлаш тўғрисида таклифини маъқуллашди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**
Тарафдорлар - **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар - йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси Х.Х.Каримов, А.А.Ганиев ва Р.У.Исмадияровлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича, Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари таништирилган ва

акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйилган:

Кун тартибидаги барча масалалар буйича маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш регламенти тасдиқлансин.

2. Сўзга чиққан маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа вақт берилиши тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича, “Шарғункўмир” АЖ бош директори М.А.Азизкулов томонидан жамиятнинг 2025 йилги молиявий - хўжалик фаолияти якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган бизнес-режанинг бажарилиши юзасидан қўйидаги ҳисобот тақдим этилди. *(Ҳисобот илова қилинади).*

I. 2025 йил якуни бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари:

Кўмир қазиб чиқариш кўрсаткичи - 2025 йилда режа бўйича 1 000,0 минг тонна белгиланган бўлиб, амалда 448,1 минг тонна қазиб олинган. Режа 44,8 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 49,8 фоизни (2024 йилда 900,1 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган) ташкил этди.

“Шарғункўмир” АЖнинг жорий йилда кўмир қазиб олиш ҳажмининг режага ва ўтган йилга нисбатан камайишига асосий сабаб, корхона омборларида реализация қилинмай қолиб кетган кўмир қолдиқлари мавжуд бўлиб, бунинг натижасида пул маблағларининг етишмовчилиги юзага келган.

Шу сабабли ойлик иш ҳақи, бюджетга тўловлар, хизмат кўрсатувчилар (Хитойнинг пудратчи компанияси), товар етказиб берувчилар олдидаги қарздорликлар ҳамда банклардан жалб қилинган кредитлар ўз вақтида тўланмаганлиги ҳисобига кўмир қазиб олиш ва кон тайёрлов ишлари етарлича ташкил этилмаган.

Кон юзасини очиш ишлари кўрсаткичи - 2025 йилда режа бўйича 1 170,0 минг куб метр режалаштирилган бўлиб, амалда 1 335,2 минг куб метр кон юзасини очиш ишлари бажарилган. Режа 114,1 фоизга бажарилди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 97,7 фоизни (2024 йилда 1 366,1 минг куб метр кон юзасини очиш ишлари бажарилган) ташкил этди.

Тоғ-кон лаҳмларини ўтиш ишлари кўрсаткичи - 2025 йилда режа бўйича 2 658,0 погона метр режалаштирилган бўлиб, амалда 3 046,0 погона метрға лаҳм ўтиш ишлари бажарилган. Режа 114,6 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 88,6 фоизни (2024 йилда 3 436,0 погона метр лаҳм ўтиш ишлари бажарилган) ташкил этди.

Кўмирни етказиб бериш кўрсаткичи - 2025 йилда режа 763,0 минг тонна режалаштирилган бўлиб, амалда 465,7 минг тоннага бажарилган. Режа 61,0 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 89,3 фоизни (2024 йилда 521,3 минг тонна кўмир етказилган) ташкил этди.

Биржа савдолари орқали истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда етказиб берилмоқда.

Қора металл парчаларини топшириш кўрсаткичи – 2025 йилда режа 75,0 тонна режалаштирилган бўлиб, амалда 75,0 тонна топширилган. Режа 100,0 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,1 фоизни (2024 йилда 69,4 тонна қора металл парчалари топширилган) ташкил этди.

I. Молиявий натижа кўрсаткичлари:

Жами даромадлари - 2025 йилда 612 017,9 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 278 598,0 млн. сўмни ташкил этди. Режа 45,5 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 96,3 фоизни (2024 йилда 289 385,2 млн. сўмни) ташкил этди.

Даромадлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- кўмир маҳсулотини сотишдан даромад (230 336,0 млн. сўм) - 82,7 фоиз;
- темир йўл хизматидан даромад (36 992,3 млн. сўм) - 13,3 фоиз;
- бошқа даромадлар (11 269,8 млн. сўм) - 4,0 фоиз.

Жами харажатлари - 2025 йилда 597 364,9 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 332 448,9 млн. сўмни ташкил этди. Режа 55,7 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130,7 фоизни (2024 йилда 254 293,1 млн. сўм) ташкил этди.

Йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғи таннархи - 146 957,8 млн. сўм ташкил этди.

Ишлаб чиқариш таннархи 1 тонна кўмир учун - 722 523 сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 376 174 сўмга ёки 208,6 фоизга (2024 йилда - 346 349 сўм) ошган.

Ишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан мос равишда ошмаганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- тоғ-кон техникалари (автосамосвал, бульдозер, экскаваторлар ва юклагичлар)нинг фойдали иш коэффициенти ўртача 0,6 ни ташкил этмокда. (80 фоиздан ортиғи жисмонан эскирган) Шу сабабли ҳамда техникаларнинг асосий қисми (70 фоизи) ноқулай тоғ шароитларида ишлаётганлиги ҳисобига эҳтиёт қисмлар учун харажатлар ойдан-ойга ошиб бормокда;

- лойиҳа доирасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги учун олиб келинган материалларни ишлаб чиқаришни беталофат ва самарали ташкил этиш мақсадида ишчи ҳодимларни янги лампалар ва конлар, индивидуал гидравлик таянчлар, металл шарнирли индивидуал гидравлик таянчлар, портлашдан ҳимояланган сув тўсиқлар билан таъминланди ҳамда конларни тоза ҳаво билан таъминлаш мақсадида ҳаво қувурлари алмаштирилиши ҳисобига харажатлар ошган.

- бундан ташқари “Рўған-Рихта” ер ости участкасида тоғ-кон тайёрлов ишлари учун кон лаҳмининг узоқ йиллар хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда 33,2 тонна СВП-22 металл ҳамда 45 тўплам аркали металл мустаҳкамлагичлар (1 458,1 млн. сўм) билан ўтилганлиги ҳисобига ўтган йилга нисбатан хомашё материаллари харажатлари ошган;

- “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси доирасида қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилинганлиги сабабли асосий воситаларни амортизация харажатлари 5,2 баробарга (2025 йилда 141 382,3 млн. сўм, 2024 йилда 27 400,1 млн. сўмни ташкил этган) ошган;

- Лойиҳа доирасида қурилган темир йўлда 2025 йилда режага киритилмаган 824,1 млн. сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилган.

- “Шарғункўмир” АЖ омборларида йиғилиб қолган кўмир маҳсулотини истеъмолчиларга реализация қилиш бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб, 2025 йил 10 майдаги 03-РА 1-6960/6-сон топшириғи олинган. Ушбу топширик ижросини таъминлаш мақсадида “Шарғункўмир” АЖнинг кўплаб мутахассис ва муҳандис техник ходимлари хизмат сафарига юборилганлиги сабабли хизмат сафари харажатлари 2,4 баробарга (2025 йилда 287,0 млн. сўм, 2024 йилда 118,9 млн. сўмни ташкил этган) ошган.

Ҳисобот даври охирида тайёр маҳсулот қолдиғи таннарни - 212 723,1 млн. сўмни ташкил этди.

Давр харажатлари 74 434,5 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 5 935,3 млн. сўмга ёки 92,6 фоизга (2024 йилда – 80 369,8 млн. сўм) ошган.

Шу жумладан:

- маҳсулот сотиш харажатлари – 36 124,0 млн. сўм (2024 йилда 33 627,1 млн. сўм);

- маъмурий харажатлари – 10 309,5 млн. сўм (2024 йилда 10 933,6 млн. сўм);

- бошқа операцион харажатлари – 28 001,0 млн. сўм (2024 йилда 35 809,1 млн. сўм).

Молиявий фаолиятнинг даромадлари – 87 383,7 млн. сўмни (валюта курсидан даромад) ташкил этди.

Молиявий фаолиятнинг харажатлари – 24 303,7 млн. сўмни (фоизлар шаклидаги харажатлари) ташкил этди.

Жамият 2025 йилни 7 215,3 млн. сўм фойда билан якунлади.

Ҳисобот даврида ишлаган ходимларнинг ўртача сони 625 киши бўлиб, уларга иш ҳақи фонди ҳисобидан 57 128,2 млн. сўм миқдорида иш ҳақи тўланган. Натижада корхона ходимларининг ўртача иш ҳақиси 7 617 088 сўмни ташкил қилиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 78 800 сўмга ёки 1,0 фоизга ошган.

Иш унумдорлиги 2024 йилда ҳар бир ходимга қазиб чиқарилган кўмир миқдори 1 449,6 тоннани ташкил қилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 717,0 тоннани ташкил этди.

Кун тартибидаги ушбу масала Кузатув кенгаши томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 2 219 612 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:

1. Жамият бош директори М.А.Азизкуловнинг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлансин.

2. Жамият ижро органи (Азизкулов)га: Жамиятнинг 2026 йилдаги режа кўрсаткичларни тўлиқ бажарилиши ва лойиҳа доирасида кон тайёрлов ишларини ташкиллаштириш чораларини кўриш, молиявий ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, харажатларни қисқартириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича тегишли чораларни кўриш топширилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамиятнинг бош ҳисобчиси в.б. Э.Б. Насиров ҳисобот берди. Жамиятнинг 2025 йил молиявий фаолияти бўйича ҳисоботи қуйидагича:

Асосий воситалар ҳаракати “Шарғункўмир” АЖ да 01.01.2025 йил ҳолатига асосий воситалар бошланғич қиймати 1 750 515 141 минг сўм бўлиб, 31.12.2025 йил ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати йил бошига нисбатан 51 019 562 минг сўмга камайиб, 1 699 495 579 минг сўмни ташкил этди. *(асосий воситалар қолдиги бўйича маълумотнома).*

Узоқ муддатли инвестициялар 2025 йил 31 декабрь ҳолатига 3 364 минг сўм узоқ муддатли инвестициялардан қолдиқ қолган. *(узоқ муддатли инвестициялар бўйича маълумотнома).*

Капитал қўйилмалар 2025 йил 1 январь ҳолатига 5 476 819 минг сўм бўлиб, 2025 йил давомида 5 284 857 минг сўмлик капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига кириш қилинган. Капитал қўйилмалар 2025 йил 31 декабрь ҳолатида 191 962 минг сўмни ташкил этган *(капитал қўйилмалар бўйича маълумотнома).*

Нақд пулсиз ҳисоблашишлар жамиятнинг 20210004000311045001 сонли жорий ҳисоб рақами ва 22626000000311045001 сонли иккиламчи ҳисоб рақами орқали нақд пулсиз пул муомалалари амалга оширилган.

2025 йил 1 январь ҳолатига асосий ҳисоб рақамда қолдиқ мавжуд бўлмаган. 2025 йил давомида 3 881 494 минг сўм пул маблағи кириш бўлиб, 2025 йил давомида 3 879 733 минг сўм пул маблағи чиқим бўлган. Асосий ҳисоб рақамда 2025 йил 31 декабрь ҳолатига 1 761 минг сўм қолдиқ қолган.

22626000000311045001 сонли иккиламчи ҳисоб рақамда 2025 йил 1 январь ҳолатига 98 103 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлган. Жамият иккиламчи банк ҳисоб рақамига 2025 йил давомида 314 995 779 минг сўм пул маблағи кириш бўлиб, 315 074 319 минг сўм пул маблағи чиқим бўлган. 2025 йил 31 декабрь ҳолатига иккиламчи банк ҳисоб рақамида нақдсиз маблағлардан 19 563 минг сўм қолдиқ қолган. *(нақд пулсиз ҳисобрақамлар қолдиги бўйича маълумотнома).*

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган тўловлар бўйича ҳисоб китоблар:

Жамиятда 2025 йил 1 январь ҳолатига ишчи ходимлар сони 607 нафарни ташкил этиб, 2025 йил давомида 37 киши ишга қабул қилинган. 35 киши ўз хоҳишига асосан ишдан бўшаган. 2025 йилнинг 31 декабрь ҳолатига жамиятда 609 нафар ишчи ходим фаолият олиб бормоқда.

2025 йил 31 декабрь ҳолатига ишчи ходимлардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 5 961 993 минг сўм кредитор қарздорлик сақланиб қолди. Бу иш ҳақи қарздорлиги жамиятнинг ишчи ходимлар

олдидаги жорий қарздорлик тўлови бўлиб, ушбу қарздорлик суммаси 2026 йил январь ойида ишчи ходимларга тўлиқ тўлаб берилган.

Товар моддий захиралар:

Жамиятда 2025 йил 1 январь ҳолатига ишлаб чиқариш ва товар моддий бойликлари захиралари бўйича жами 11 581 089 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, 2025 йил давомида 14 766 795 минг сўм кирим бўлиб, 20 734 353 минг сўм чиқим бўлган. Натижада 2025 йил 31 декабрь ҳолатига 5 613 531 минг сўмлик товар моддий бойликлари қолдиғи қолган (товар моддий бойликлар қолдиғи бўйича маълумотнома).

СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

Юридик шахслар даромадидан олинадиган фойда солиғи ҳисоб китоби бўйича жамият 2025 йил якуни билан 2 013 805 минг сўм фойда солиғи ҳисоблаган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2025 йил давомида жамиятдаги ишчи ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлари 56 776 658 минг сўмни ташкил этиб, ушбу суммадан 6 833 233 минг сўм жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланган.

Қўшилган қиймат солиғи 2025 йил давомида жамиятда жами товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари 252 170 960 минг сўмни ташкил этиб, ушбу суммадан 22 770 956 минг сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган.

Сув солиғи 2025 йил давомида жами 30 970 метр куб ер ости ва ер усти сувларидан фойдаланилган бўлиб, ушбу фойдаланилган сув ҳажмидан 21 824 минг сўм сув солиғи ҳисобланган.

Ер қаридан фойдаланганлиги учун солиқ ҳисоб-китобида 2025 йил давомида ер остидан қазиб олинган 448 124 тонна тошқўмир маҳсулоти ҳисобидан, 9 700 554 минг сўм ер қаридан фойдаланганлиги учун солиқ ҳисобланган.

Мол - мулк солиғи 2025 йил давомида жамиятда мавжуд бўлган бино иншоотларнинг қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, 317 861 минг сўм мол - мулк солиғи ҳисобланган.

Ер солиғи жамиятга тегишли бўлган жами 38,85 гектар ер майдони бўйича 1 821 019 минг сўм юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ҳисобланган.

Ижтимоий солиқ 2025 йил давомида жамиятдаги ишчи ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлари 56 776 658 минг сўмни

ташкил этиб, ушбу суммадан 6 813 199 минг сўм ижтимоий солик ҳисобланган.

Даромадлар ёйилмаси:

Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботида жамият маҳсулот сотишдан 267 328 244 минг сўм, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисобидан 11 269 766 минг сўм ҳамда валюта курси фарқидан 87 383 659 минг сўм, жами **365 981 669** минг сўм даромад олган (*даромадлар таркиби бўйича маълумотнома*).

Харажатлар ёйилмаси 2025 йил давомида олинган даромад учун жамият ўз ҳисобидан қуйидаги харажатларни амалга оширган (*харажатлар таркиби бўйича маълумотнома*).

Сотилган маҳсулотни таннари	258 014 400 минг сўм;
Давр харажатлари	74 434 518 минг сўм.

Шундан:

- сотиш харажати	36 124 044 минг сўм;
- маъмурий харажатлар	10 309 462 минг сўм;
- бошқа операцион харажатлар	28 001 012 минг сўм;

Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар

70 111 минг сўм;

Фоизлар шаклидаги харажатлар	19 522 840 минг сўм;
Валюта курси фарқидан зарарлар	4 710 709 минг сўм;
Фойда солиғи	2 013 804 минг сўм

Жами харажатлар: **358 766 382 минг сўм.**

Молиявий натижа 2025 йил якуни бўйича жамият 365 981 669 минг сўм даромад олиб, 358 766 382 минг сўм харажат қилган. Юқоридаги даромад ва харажатлардан келиб чиқиб, 2025 йил якунини 7 215 285 минг сўм соф фойда билан якунлаган.

Дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳисоб-китоби бўйича таҳлил. Жамиятнинг 2025 йил дебитор қарздорликлари кўриб чиқилганда 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига 8 489 650 минг сўм, 2025 йилнинг 31 декабрь ҳолатига эса 15 170 079 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятда дебитор қарздорлик кўриб чиқилганда, асосий қисми “UMUM BARAKA SAVDO INVEST” MCHJ (СТИР 300072117) нинг 2 747 016 минг сўм ҳисобига тўғри келади. Ушбу дебитор қарздорлик бўйича судга ҳужжатлар

тақдим этилиб бугунги кунда тергов ишлари давом этмоқда (*дебитор қарздорликлар тўғрисидаги маълумотнома*).

Жамиятнинг 2025 йил кредитор қарздорликлари таркиби таҳлил қилинганда, 2025 йил 1 январь ҳолатига 215 422 322 минг сўмни ташкил этиб, 2025 йил 31 декабрь ҳолатига келиб, 253 298 846 минг сўмни ташкил этган.

Ушбу кредитор қарздорликлар таркиби таҳлил қилинганда, асосий қисми, яъни 88 758 216 минг сўм кредитор қарздорликлар асосан “Amikam International Group CO., Limited” DM томонидан кўрсатилган хизматлар ҳисобидан юзага келган. Юқоридаги кредитор қарздорликларни ўз вақтида сўндириш мақсадида, чора- тадбирлар ишлаб чиқилди. (*Кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумотнома*).

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича, “Шарғункўмир” АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил давомида кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар, жамият томонидан олиб борилган ишлар, жамиятнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, 2025 йил давомида кузатув кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг ижроси бўйича ҳисоботи тингланди.

Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди :**

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг 2025 йил якуни бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилишлар орасида қабул қилинган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 6 масала юзасидан Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Х.А.Ташкулов сўзга чиқиб, Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими мустақил баҳоловчи ташкилот **“BMM - AUDIT” МЧЖ** томонидан ўтказилганлигини маълум қилди.

Мустақил баҳоловчи томонидан Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоланиб, тегишли хулоса тақдим қилинди. Хулосага кўра, Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими максимал 1200 баллдан **691 баллни** ёки **58 фоизга** баҳолангани ва Жамият корпоратив бошқарув тизимига **“юқори”** даража берилгани қайд этилди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**
Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича **“BMM - AUDIT” МЧЖ** аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимига **“юқори”** даража берилганини инобатга олиб, жамият ички корпоратив хужжатлари (низомлари)га асосан Жамият кузатув кенгаши котибига Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг (мҳэкм) 15 баробари миқдорида қўшимча мукофот пули тўлансин.

Кун тартибидаги 7 масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасида акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

“Шарғункўмир” АЖнинг 2025 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича **“БММ-АУДИТ”** 2026 йил 24 майдаги хулосасига кўра жамиятнинг молиявий натижалари Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ҳамда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри акс этирилгани билдирилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда жамият Кузатув кенгаши томонидан 2025 йил якуни бўйича олинган 7 215 285 000 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклиф этилган:

1. Соф фойданинг 5 % Жамиятнинг захира фондига – 360 764 250 сўм;
2. Соф фойданинг 50% - 2 229 598 дона оддий акциялари учун 1 625,35 сўмдан жами – 3 623 877 109 сўм миқдорида дивидендлар ҳисоблашга;

Шундан,

- 50 % давлат улуши бўйича – 3 607 646 364 сўм
- 0,2 бошқа юридик ва жисмоний шахсларга – 16 230 745 сўм.

3. Соф фойданинг 44,8 % - “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси доирасида олинган кредит маблағларини тўлашга – 3 230 643 641 сўмни йўналтириш.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – 2 219 612 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:

1. Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2025 йил якуни бўйича 7 215 285 000 сўм соф фойдани тақсимлаш бўйича акциядорларининг умумий йиғилишига қуйидагилар тавсия этилади:

№	Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимланиши	Миқдори (сўм)
1	Жамиятнинг захира фондига	360 764 250
1	Жамиятнинг оддий акциялари бўйича дивиденд ҳисоблашга жами: Шундан: Давлат улуши бўйича - бошқа юридик ва жисмоний шахсларга	3 623 877 109 3 607 646 364 16 230 745
2	“Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси доирасида олинган кредит маблағларини тўлашга	3 230 643 641
	ЖАМИ:	7 215 285 000

1. Жамият соф фойдасининг 50,2 фоизи дивидендга, 5 фоизи захира жамғармасига ҳамда 44,8 фоизи жамиятни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси доирасида олинган кредит маблағларини тўлашга йўналтириш.

2. Акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 календар кун ичида қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциядорларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказиш орқали амалга ошириш тавсия этилади.

Кун тартибдаги 8 масала юзасидан раислик қилувчи сўзга чиқиб, Жамият бош директори М.А.Азизкуловнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи Кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқилиб ушбу ҳисоботи маълумот учун қабул қилинган ҳамда жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига киритиш белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 79-моддаси саккизинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760 сонли Қонуни таҳририда қуйидагича белгиланган - Жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, раислик қилувчи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига амалдаги бош директор Азизкулов Маъруфжон Абдухафиз ўғли билан 3 йил муддатга тузилган меҳнат шартномасини яна бир йил муддатга узайтириш таклифини берди.

Кун тартибдаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибдаги саккизинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятининг 2025 йил учун бизнес-режа кўрсаткичларини бажармаганлиги сабабли жамият бош директори ваколати тугатилсин.

2. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти бош директори лавозимида қонунчиликда белгиланган тартибда танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича номзод тасдиқлангунга қадар жамиятнинг амалдаги бош директори Азизкулов Маъруфжон Абдухафиз ўғли директор вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлансин.

Кун тартибидаги 9 масала юзасидан Жамиятнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича бош директор ўринбосари в.б. Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб ҳисобот берди. “Шарғункўмир” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича аудит текширувидан ўтказиш учун аудитор этиб “xt-xarid.uz” электрон савдо майдончаси орқали автоматик тарзда ғолибни белгилаш натижасига асосан ғолиб деб топилган ва ушбу танлов натижасига кўра “BMM - AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқланган. Қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзоланган бўлиб, жамиятнинг 2025 йилги молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик хулосалари билан мажлис қатнашчиларини таништириб ўтди (аудит хулосалари илова қилинади).

Унга кўра, жамиятнинг 2025 йил молия - хўжалик ҳисоботларининг ҳолати тўғри акс эттиришини қайд этиб, ижобий хулоса берилганлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**
Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:

1. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 10 масала юзасидан Жамиятнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича бош директор ўринбосари в.б. Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаши ва белгилаши мумкинлиги билдирилди.

Аффилиланган шахслар билан Жамият кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар иловага асосан киритилмоқда (Аффилиланган корхоналар рўйхати илова қилинади).

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан қабул қилинган қарор:

1. Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг 2026 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда ижроия органи томонидан конунчиликда белгиланган тартибда аффилланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишга розилик берилсин.

Кун тартибидаги 11 масала юзасидан Жамият бош директорининг Иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, “Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йил учун мўлжалланган жамият истикболини белгиловчи Бизнес-режаси Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан маъқулланган бўлиб ва 2026 йилда кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тасдиқлангандан сўнг Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун қайта киритилиши бўйича топширик бериб ўтилган. 2026 йил 30-апрел санасидаги 179-Ғ сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тасдиқланган. Ушбу фармойишнинг 1 ва 2 иловаларида “Шарғункўмир” АЖ томонидан 2026 йил давомида кўмир қазиб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш режаси белгилаб қўйилган. *(2026 йил учун кўмир ресурслари ва тақсими баланси илова қилинади).*

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – **2 219 612** та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қабул қилинган қарор:

1. “Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 12 масала юзасидан Жамиятнинг Прогнозлаштириш, иқтисод ва таҳлил бўлими бошлиғи М.Р. Хурсанова сўзга чиқди ва ўз нуткида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” 2015 йил 28

июлдаги 207 - сонли ҳамда 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли қарорларига асосан 2025 йил якуни бўйича жамиятнинг фаолият самарадорлигининг муҳим ва қўшимча кўрсаткичлари бўйича **“ВММ - AUDIT” МЧЖ** аудиторлик ташкилоти ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Ҳисоботга кўра, 2025 йил якунлари бўйича самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари 63,2 фоизга, қўшимча кўрсаткичлари 196,2 фоизга бажарилиб, самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) - 129,7 фоизни ташкил этган. Жамият фаолияти самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичларини бажарилиши **илова қилинади.**

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**
Тарафдорлар - **2 219 612** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасида қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. Жамиятнинг 2025 йилда фаолияти самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши бўйича **“ВММ - AUDIT” МЧЖ** аудиторлик ташкилоти ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2025 йилда самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи етарли даражада бажарилганлиги эътироф этилсин.

3. Жамиятнинг 2025 йилдаги фаолияти самарадорлигини ҳисобга олиб, қонунда белгиланган тартибда жамият бош директорига окладининг 129,7 фоизида, ижроия органи аъзолари ҳамда кузатув кенгаши котибига белгиланган ойлик иш ҳақи окладининг 129,7 фоизида рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги 13 масала юзасидан Жамият бош директорининг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари в.б. Ж.Ю.Шойматов сўзга чиқди ва ўз нутқида, Жамиятнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш зарурлиги бўйича қисқача тўхталиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**
Тарафдорлар — **2 219 612** та овоз, қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасида қуйидаги қарор қабул қилинди:

Жамият ижроия органига:

1. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 150,0 миллион этиб белгилансин.

2. “Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилсин.

3. “Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов натижасига кўра ғолиб деб топилган аудиторлик ташкилоти билан Қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзолансин.

Кун тартибидаги 14 масала юзасидан Жамият Жамият Прогнозлаштириш, иқтисод ва таҳлил бўлими бошлиғи М.Р.Хурсанова сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

Жамият кузатув кенгаши томонидан амалдаги штатлар жадвали ва янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси дастлабки тарзда кўриб чиқилган бўлиб, ушбу ўзгариш ва штатлар қисқаришини инобатга олган ҳолда “Шарғункўмир” АЖ нинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини кўриб чиқиш сўралади.

Шунингдек:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши кўрсатиб ўтилганлиги бўйича қисқача тўхталиб ўтди. *(Амалдаги штатлар жадвали ва ташкилий тузилмаси илова қилинади).*

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, Жамиятнинг Янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасига ва тегишли ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиб, қайта тасдиқлаш зарурлиги ҳақида маълум қилинди.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокамадан сўнг қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган **жами овоз бериш натижаси:**

Тарафдорлар – йўқ, қаршилар – **2 219 612** та овоз, бетарафлар – йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасида
қуйидаги қарор қабул қилинди:

Жамият ижроия органига:


1. Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиш
жамият акциядорларининг кейинги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун
қолдирилсин.

Мажлис раиси:



С.У.Зоиров

Мажлис котиби:



Х.А.Ташкулов

Баённома тузилган ва имзоланган сана “ 6 ” июль 2026
йил.